



## PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF KINDERGARTEN CHILDREN'S GAMES

Mardonova Farangiz<sup>1</sup>

<sup>1</sup> TerDU 1 course undergraduate

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4898858>

### ARTICLE INFO

Received: 20<sup>th</sup> May 2021

Accepted: 25<sup>th</sup> May 2021

Online: 30<sup>th</sup> May 2021

### KEY WORDS

kindergarten, preschool, play, psychology, activity, physical development, independent movement.

### ABSTRACT

*The article describes the psychological characteristics of kindergarten-age children and reflects their desire to reflect all aspects of life and to act independently in their play activities.*

## БОҒЧА ЁШИДАГИ БОЛАЛАР ҰЙИНИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Мардонова Фарангиз<sup>1</sup>

<sup>1</sup> ТерДУ 1 курс магистранти

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-May 2021

Ma'qullandi: 25-May 2021

Chop etildi: 30-May 2021

### KALIT SO'ZLAR

боғча, мактабгача ёш, ўйин, психология, фаолият, жичмоний ривожланиш, мустақил ҳаракат.

### ANNOTATSIYA

*Мақолада боғча ёшидаги болалар ўйинининг психологик хусусиятлари ёритилган бўлиб, боғча ёшидаги болалар ўзларининг ўйин фаолиятларида ҳаётнинг ҳамма томонларини акс эттиришига ва мустақил ҳаракат қилишига интилишлари акс эттирилган.*

Мактабгача ёшдаги болаларнинг етакчи фаолияти бу ўйиндир. Боғча ёшидаги болаларнинг ўйин фаолиятлари масаласи асрлар давомида жуда кўп олимларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда. Боғча ёшидаги болалар ўзларининг ўйин фаолиятларида илдам кадамлар билан билан олға қараб бораётган сермазмун ҳаётимизнинг ҳамма томонларини акс эттиришига интиладилар. Маълумки,

боланинг ёши улғайиб мустақил ҳаракат қилиш имконияти ошган сари унинг атрофдаги нарса ва ҳодисалар буйича дунёқараши кенгайиб боради.

Боғча ёшидаги бола атрофидаги нарсалар дунёсини билиш жараёнида шу нарсалар билан бевосита амалий мунособатга бўлишига интилади. Бу уринда шу нарса характерлики бола билишга ташналигидан атрофдаги ўзининг ҳадди сизгадиган нарсалари билангина эмас,



балки катталар учун мансуб булган ўзининг кучи ҳам етмайлиган, хадди сигмайдиган нарсалар билан ҳам амалий мунособатда бўлишга интилади. Масалан: бола автомашинани, трамвайни ўзи хайдагиси, ростакам отга миниб юргиси, учувчи булиб самолётда учгиси ва ростакам милиционер булгиси келади. Бирок табиийки бола ўзидаги бундай эҳтиёжларнинг биронтасини ҳам хакикий йул билан кондира олмайди. Бу уринда савол тугилади. Болаларнинг тобора ортиб бораётган турли эҳтиёжлари билан уларнинг тор имкониятлари уртасидаги карама - каршилиқ қандай йул билан хал қилинади? Бу карама каршилиқ фақатгина биргина фаолият оркали яони боланинг уйин фаолияти оркалигина хал қилиниши мумкин. Буни шу билан изохлаб бериш мумкинки, биринчидан, болаларнинг уйин фаолияти қандайдир моддий махсулот ишлаб чиқаришга қаратилган фаолият эмас. Шунинг учун болаларни уйинга ундовчи сабаб(мотив) келиб чиқадиган натижа билан эмас балки шу уйин жараёнидаги турли ҳаракатларнинг мазмуни билан боғлиқдир. Иккинчидан эса, болалар уйин жараёнида ўз ихтиёрларидаги нарсаларни, ўзларини қизиқтирган, аммо катталаргагина мансуб булган нарсаларга айлантириб хоҳлаганларича эркин фаолиятда буладилар. Болаларнинг уйин фаолиятлари уларнинг жисмоний ва психик жихатдан гармоник равишда ривожлантириш учун бирдан бир воситадир. Уйин болалар ҳаётида шундай куп киррали фаолиятки, унда катталарга мансуб булган меҳнат ҳам, турли нарсалар ҳақида тафаккур қилиш, хом ҳаёл, дам олиш ва хушчакчақлик манбалари ҳам мужжасамлангандир, яони мана шу жараёнларнинг барчаси уйин фаолиятида аниқ булади. Шуни ҳам таоқидлаб утиш керакки уйин фақат ташки муҳитдаги нарса

ходисаларни билиш воситасигина эмас, балки қудратли тарбия воситаси ҳамдир. Ижодий ва сюжетли уйинларда болаларнинг барча психик жараёнлари билан биргаликда уларнинг индивидуал ҳислатлари ҳам шаклланади. Демак, боғчадаги таолим тарбия ишларининг муваффақияти кўп жихатдан болаларнинг уйин фаолиятларини мақсадга мувофиқ ташкил қила боришга боғлиқдир.

Шундай қилиб, уйин болалар ҳаёли томонидан яратилган нарса эмас, аксинча болалар ҳаёлининг ўзи уйин жараёнида юзага келиб ривожланадиган нарсадир.

Шуни ҳам айтиб утиш керакки, фан-техника мислсиз ривожланган бизнинг ҳозирги замонамиздаги яратиланаётган, хайратда қолдирадиган нарсалар болаларга гуё бир муожизадек қуринади. Натижада улар ҳам ўзларининг турли уйинлари жараёнида ухшатма қилиб (яҳни аналогик тарзда) ҳар хил ҳаёлий нарсаларни уйлаб чиқарадилар(учар от, машина одам, гапирадиган дарахт қаби). Бундан ташқари, болаларнинг турли ҳаёлий нарсаларни уйлаб чиқаришлари яна шуни билдирадигани, улар ўзларининг ҳар турли уйин фаолиятларида фақат атрофларидаги бор нарсаларни эмас, балки айни чоғда эҳтиёжлари талаб қилаётган нарсаларни ҳам акс эттирадилар.

Болаларнинг уйин фаолиятларида ҳар хил ҳаёлий ва афсонавий образларни яратишларидан шундай хулоса чиқариш мумкин: одамнинг (шу жумладан болаларнинг ҳам) ташки муҳитдаги нарса ва ходисаларни акс эттириш жараёнлари пассив жараён эмас, балки фаол ҳамда ижодий яратувчан, ўзгартирувчан жараёндир.

Болалар уйин фаолиятларининг яна бир ажойиб хусусияти шундан иборатки, уйин жараёнида боланинг қиладиган хатти-ҳаракатлари ва бажарадиган роллари купинча умумийлик характериға эга



булади. Буни шундай тушуниш керакки, бола ўзининг турли-туман уйинларида факат ўзига таниш булган ёлғиз бир шофёрнинг, врачнинг, милиционернинг, тарбиячининг, учувчининг хатти-харакатларигина эмас, балки умуман шофёрларнинг, врачларнинг, тарбиячиларнинг ҳамда учувчиларнинг хатти-харакатларини акс эттиради. Албатта, турмуш тажрибалари ва фаолиятлари доираси жуда чекланган кичик ёшдаги болалар(баъзан кичик группа болалари ҳам) ўзларининг уйинларида конкрет одамларни ва уларнинг ҳаракатларини акс эттирадилар. (Масалан, ойисини, адасини, акасини, тарбиячисини ва шу каби). Урта, катта боғча ёшидаги болаларнинг уйинларида эса бундай образлар умумийлик характериға эға була бошлайди.

Боғча ёшидаги болаларнинг уйинлари атрофдаги нарса ва ходисаларни билиш кууроли бўлиш билан бирға юксак ижтимоий аҳамиятға ҳам эға. Бошқачароқ килиб айтганда, уйин қудратли тарбия кууролидир. Болаларнинг уйинлари орқали уларда ижтимоий фойдали, яъни юксак инсоний ҳислатларни тарбиялаш мумкин. Бундан ташқари, агарда биз болаларнинг уйини фаолиятларини ташқаридан қўзатсак, уйин жараёнида уларнинг барча шахсий ҳислатлари(кимнинг нимаға купрок кизиқиши, қобилияти, иродаси темпераменти) яккол намоён бўлишини курамиз. Шунинг учун болаларнинг уйин фаолиятлари уларни индивидуал равишда урганиш учун жуда кулай воситадир. Кичик мактабгача ёшдаги болалар одатда ўзлари ёлғиз уйнайдилар. Предметли ва конструкторли уйинлар орқали бу ёшдаги болалар ўзларининг идрок,хотира, тассавур, тафаккур ҳамда ҳаракат лаёкатларини ривожлантирадилар. Сюжетли ролли уйинларда болалар асосан ўзлари хар куни кураётган ва қўзатаётган катталарнинг

хатти –ҳаракатларини акс эттирадилар. 4-5 ёшли болаларнинг уйини аста – секинлик билан коллектив характерни ола бошлайди.

Болаларнинг индивидуал хусусиятларини хусусан уларнинг коллектив уйинлари орқали қўзатиш кулайдир. Бу уйинларда болалар катталарнинг факат предметларға муносабатини эмас, балки купрок ўзаро муносабатларини акс эттирадилар. Шунингдек, коллектив уйинда болалар бир группа одамларнинг мураккаб хаётий фаолиятларини акс эттирадилар. Масалан, «поезд» уйини олайлик. Бунда машинист, паровозға кумир ёқувчи, проводниклар, контролёр, кассир, станция ходимлари ва йуловчилар булади. Болаларнинг мана шу каби коллектив уйинлари артистларнинг фаолиятиға ухшайди. Чунки коллектив уйиндаги хар бир бола ўз ролини яхши адо этишға интилиш билан бирға уйиннинг умумий мазмунидан ҳам четға чиқиб кетмасликға тиришади. Бу эса, хар бир боладан ўзининг бутун қобилиятини ишға солишни талаб этади. Маълум ролларға булинган коллектив уйин болалардан катҳий қоидаларға буйсуниши ва айрим вазибаларни ухшатиб бажаришни талаб этади. Шунинг учун болаларнинг бундай коллектив уйинлари психологик жихатдан катта аҳамиятға эға. Чунки бундай уйинлар болаларда иродавийлик, муаммолилик уйин қоидаларига, тартиб- интизомға буйсуниш ва шу каби ижобий ҳислатларни тарбиялайди ва ривожлантиради

Катта боғча ёшида сюжетли-ролли уйинлар ривожланади, лекин энда бу уйинлар ўз мазусининг бойлиги ва хилма-хиллиги билан фаркланади. Бу уйинлар жараёнида болаларда лидерлик юзаға кела бошлайди, шунингдек ташкилотчилик куникма ва малакалари ривожлана бошлайди.



Бу мактабгача ёшдаги болалар шугулланадиган ижодий фаолиятлар орасида тасвирий санҳатнинг ҳам аҳамияти жуда катта. Боланинг тасаввур этиш характериға кура унинг атроф ҳаётни қандай идрок этиши, хотира, тасаввур ва тафаккур хусусиятларига баҳо бериш мумкин. Катта боғча ёшидаги болалар чизган расмлар уларнинг ички кечинмалари рухий ҳолатлари, орзу, умид ва эҳтиёжларини ҳам акс эттиради.

Бу ёшдаги болалар расм чизишга ҳам ниҳоятда қизиқадилар. Расм чизиш болалар учун уйин фаолиятининг ўзига хос бир шакли булиб ҳисобланади. Бола аввало кураётган нарсаларини, кейинчалик эса ўзи билладиган, хотирасидаги ва ўзи уйлаб топган нарсаларни чизади.

Катта мактабгача ёшдаги болалар учун мусобака жуда катта аҳамиятга эга булиб, айнан шундай уйинларда мувафқиятга эришиш шаклланади ва мустаҳкамланади. Бу ёшдаги болалар учун энг ёқимли вақт- ютиш ва мувафқият булган мусобака уйинларининг ҳам аҳамияти жуда катта.

Катта мактабгача ёшдаги болалар учун мусобакалар жуда катта аҳамиятга эга булиб, айнан шундай уйинларда мувафқиятга эришиш мотивлари шаклланади ва мустаҳкамланади. Бу ёшдаги болалар учун энг ёқимли вақт- ютиш ва мувафқият булган мусобака уйинларининг ҳам аҳамияти жуда катта.

Катта боғча ёшида конструкторлик уйинлари аста-секинлик билан меҳнат фаолиятига айланиб боради. Уйинда бола элементар меҳнат қуникма ва малакаларини эгаллай бошлайди, предметларнинг хоссаларини англай бошлайди, амалий тафаккур ривожлана боради.

3-7 ёшли болалар психик ривожда бадий-ижодий фаолият булган

мусиканинг ҳам аҳамияти ҳам жуда катта. Мусика орқали болалар ашула айтишга, мусика охангига мос ритмик ҳаракатлар қилишга урганадилар. 3-7 ёш даврида болалар асосий фаолияти қуйидаги кетма-кетликда келади:

- предметларни урганиш,
- индивидуал предметли уйинлар, коллектив сюжетли-ролли уйинлар,
- индивидуал ва гуруҳий ижод,
- мусобака уйинлар,
- мулоқот уйинлар,
- уй меҳнати.

Боғча ёшидаги болаларнинг уйин фаолиятлари ҳақида гапирар эканмиз, албатта уларнинг уйинчоги масаласига ҳам тўхтаб ўтиш керак.

Болаларга уйинчоқларни беришда уларнинг ёш хусусиятларини, тарққиёт даражаларини ва айна пайтда уларни кўпроқ нималар қизиқтиришини ҳисобга олиш керак.

Маолумки, 1-3 ёш болалар хали ташки муҳитни жуда оз ўзлаштирганлар. Улар хали хаттоки нарсаларнинг рангини, ҳажминини ҳам яхши ажрата олмайдилар. Шунинг учун уларга қугирчоқ билан бирга хар хил рангли қийким, лахтак матолар ҳам бериш керак. Айниқса, қиз болалар ўз қугирчоқларини хар хил рангли матоларга ураб, румол қилиб уратиб машқ қиладилар. Угил болаларга эса, хар хил рангли, бир-бирининг ичига сигадиған қугича уйинчоқларни бериш фойдалидир.

Уйин фаолияти болаларни инсониятнинг ижтимоий тажрибасини эгаллашнинг фаол шакли булган таҳлим фаолиятига тайёрлайди. Одам бирданига ижтимоий тажрибани ўзлаштиришга қириша олмайди. Ижтимоий тажрибаларни фаол эгаллаш учун одам аввало етарли даражада нутқни эгаллаган бўлиши, маҳлум малакалар, ўқувлар ва элементар тушунчаларга эга бўлиши керак булади.



Буларга бола юкорида батафсил курсатиб  
утганимиздек уйин фаолияти оркали  
эришади.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Аникеев Н.П. Жамоада рухий мухит. –Т.: “Ўқитувчи”, 1993 й.
2. Асадов Й.М.Рухий ҳолатлар диагностикаси ва коррекцияси. – Т., 2000
3. Адизова Т.М. Бошқарув мулоқоти психологияси. –Тошкент,2000 й.
4. Айзенк М. Психология для начинающих. “Питер”,2000.
5. Алимходжаева С.Н., Ҳайдаров Ф.Н. "Психологик ташхис методикалари мажмуаси" 2-қисм. Ўқув қўлланма. – Т., 2009. – Б. 72